

# **Сертификатлаштириш ва синов мажмуаларини ривожлантириш бошқармаси тўғрисида НИЗОМ**

## **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Ўзстандарт” агентлиги Сертификатлаштириш ва лаборатория мажмуаларини ривожлантириш бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади), асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, белгилайди.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига шунингдек, мазкур Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

3. Бошқарма “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда бевосита Бош директор ўринбосарига (тўғридан-тўғри) бўйсунди;

4. Бошқарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ — “Ўзстандарт” агентлиги Сертификатлаштириш ва лаборатория мажмуаларини ривожлантириш бошқармаси, қисқартирилган — “СЛМР бошқармаси”;

в) рус тилида:

тўлиқ — “Управление по развитию сертификации и лабораторных комплексов Агентства «Узстандарт»”, қисқартирилган “Управление РСЛК”.

5. Бошқарма бошлиғи “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

## **II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари**

6. Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

“Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалий жиҳатдан амалга оширилишини таъминлаш;

маҳсулотларни сертификатлаштириш ва уларнинг синовларини ташкил этиш бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

миллий сертификатлаштириш тизимининг фаолиятини ва ривожланишини ҳамда мазкур соҳада халқаро, давлатлараро ва илғор хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлашган ҳолда фаолиятни ташкил этиш;

маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг сифати ва хавфсизлик талабларига риоя қилиниши ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

маҳсулотларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ сертификатлаштиришни ташкил қилиш;

экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қулай шароитларни яратиш, халқаро ташкилотлар билан миллий сертификатлар ва мувофиқликни баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорларида тан олиншига йўналтирилган ҳамкорликни фаоллаштиришда иштирок этиш.

7. Бошқарманинг асосий вазифалари унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда “Ўзстандарт” агентлигига юклатилган сертификатлаштириш ва лаборатория мажмуаларини ривожлантириш соҳасидаги вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш ҳисобланади.

8. Бошқарма унга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

“Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг сертификатлаштириш ва лаборатория мажмуаларини ривожлантириш соҳасидаги бажарилишини тизимли назоратини таъминлайди;

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, сертификатлаштириш ва лаборатория мажмуаларини ривожлантириш соҳасидаги киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишини ва уларнинг ваколат доирасида экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

“Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига сертификатлаштириш ва лаборатория мажмуаларини ривожлантириш соҳасида раҳбарлик қилади, мувофиқлаштиради ва назоратни амалга оширади;

“Ўзстандарт” агентлигининг фаолияти, хусусан сертификатлаштириш ва лаборатория мажмуаларини ривожлантириш соҳасида, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади;

сертификатлаштириш қоидаларининг амалиётда таъминланишини ташкил этади ва бу борада мувофиқликни баҳолаш субъектларидан мувофиқликни баҳолаш ҳамда тасдиқлашга оид материалларини (ҳужжатларини) сўраб олади ҳамда назоратини ташкиллаштиради;

маҳсулотларнинг синовлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида амалдаги стандарт ва меъёрларга мувофиқ ҳар бир маҳсулот бўйича синов дастурларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради;

транспорт воситасини турини маъқуллаш бўйича ишларни ташкиллаштиради ва амалга оширади;

сифат бўйича эксперт-аудиторларини аттестациядан ўтказишни ташкиллаштиради;

сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг, аттестациядан ўтказилган сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг давлат реестрларини юритади;

янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

сертификатлаштириш ва лаборатория мажмуаларини ривожлантириш бўйича асосий йўналишларни белгиловчи истиқболли дастурларни ишлаб чиқади;

сертификатлаштириш ва лаборатория (синаш) соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида, шу жумладан интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш борасида таклифларни ишлаб чиқади.

«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалий жиҳатдан амалга оширилишини таъминлаш соҳасида халқаро ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиради;

маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш борасида:

сертификатлаштириш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ўз ваколатлари доирасида раҳбарлик қилади ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича асосий йўналишларни, концепцияларни, истиқболли дастурларни ишлаб чиқади;

мувофиқликни баҳолашнинг ягона қоидалари ва тартиб-тамоийилларини қўллайди;

аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларининг хизматларидан фойдаланишга тўсиқлар яратилишига ва улар ўртасидаги рақобатни чеклашга йўл қўймайди.

сертификатлаштириш фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, уларнинг халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш борасида:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш, хорижий мамлакатларнинг сертификатлаштириш натижаларини эътироф этиш ишларини ташкил этади;

халқаро, минтақавий ва давлатлараро ташкилотларга қўшилиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади;

маҳсулотларни сертификатлаштириш ва синаш соҳасида халқаро амалиётни доимий равишда ўрганади, унинг натижалари бўйича илғор амалиётларни жорий қилиш бўйича таклифлар киритади.

### **III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

9. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бошқарма томонидан кўриб чиқиладиган масалалар, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий бўлинмаларидан ва идоравий мансуб ташкилотларидан сўраш ва олиш;

бошқарма томонидан кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда «Ўзстандарт» агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари вакилларини белгиланган тартибда жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ва ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

бошқарма, «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари, раҳбарлари ўринбосари ҳамда вакиллари иштирокида белгиланган тартибда йиғилишлар ўтказиш;

«Ўзстандарт» агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларига жадал ҳал қилиниши талаб этиладиган ва «Ўзстандарт»

агентлигига юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз ваколати доирасида топшириқлар бериш;

бошқарма марказий аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **IV. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш**

10. Бошқарма бошлиғи:

бошқарма фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади;

бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

бошқарма ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш юзасидан асосланган таклифларни раҳбариятга киритади;

қўшимча тарзда, ўзининг хизмат мажбуриятларини виждонан ва самарали бажарувчи, ташаббускор ходимларига устама тўловлар тўлаб бериш юзасидан асосланган таклифларни раҳбариятга киритади;

ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, бошқармада маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак;

кадрларни қариндошлиқ, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак;

гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олади;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўради;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўради;

ходимларни самарали бошқариш давлат мулкига эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлади;

ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради;

ўзига юклатилган вазифаларни бажармаслик ёки нотўғри бажариш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Бошқарма бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

12. Бошқарма бошилиғи ва унинг ўринбосари, бошқарма ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойийлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймаслик.

13. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари бошқарма бошлиғининг йўқлигида унинг вазифаларини тўлақонли амалга оширади.

## **V. ЖАВОБГАРЛИК**

15. Бошқарма:

“Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда «Ўзстандарт» агентлигига юкланган вазифа ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кўриб чиқиш учун киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг тайёрланиши сифати ва экспертизадан ўтказилиши;

16. Бошқарма бошлиғи ва ходимлар ўзларининг фаолияти натижасида олинган ва фойдаланадиган ахборотларнинг махфийлиги учун жавобгардирлар;

17. Бошқарма бошлиғининг жавобгарлиги:

а) бошқармага юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

б) ушбу Низомда кўзда тутилган бошқарманинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

в) ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## **VI. ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАР**

18. Бошқарма ўз ваколатлари доирасида марказий аппарат бошқармалари, бўлимлари, қуйи (тизим) ташкилотлари, “Аккредитация маркази” ДУК, мувофиқликни баҳолаш органлари билан ҳамкорлик қилади.

## **VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

19. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.